



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
23 май  
ЧОРШАНБА  
№ 40  
(12.468)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ - 2012»



# АНЪАНАВИЙ МАШЪАЛА МАНЗИЛГА ЙЎЛ ОЛДИ



Вилоятимиздан 47 спортчи йигит-қизлар иштирок этиб, футбол, миллий ва белбоғли кураш, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, сузшиб, спорт ҳамда бадий гимнастика бўйича куч синнашадилар.

Бу йилги мусобақаларда ёш спортчиларимиздан умидимиз катта, дейди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Раимов. Чунки, шахар ва туман мактабларидан спортчиларнинг энг кучлилари саралаб олинди. Айниқса, футбол, енгил атлетика, миллий ва белбоғли кураш, шахмат, стол тенни-



си каби спорт турлари бўйича юқори натижалар қўлга киритилишига ишонамиз. Шахмат бўйича Алишер Бекмуродов, Феруза

Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда ёшлар ўртасида уч босқичда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақалари ёш авлодни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда муҳим омили бўлмоқда. Бу йил Навоий шаҳри мезбонлик қиладиган "Умид ниҳоллари - 2012" мусобақаларида ҳам юртимиздаги умумтаълим мактабларининг мингдан зиёд ўқувчилари иштирок этади.

Мухаммадкаримова, стол теннисиде Олег Ким, енгил атлетикада Муаттар Акбаралиева, миллий ва белбоғли курашларда Неть-

матжон Далабоев, Элдор Эргашев, бадий гимнастикада Зебинисо Хамидова каби иқтидор эгаларига катта ишонч билдирилмоқда.

Кеча вилоятимизнинг Паркент туманидаги "Күёш" илмий ишлаб чиқариш бино-лашмасида машъала ёқиш тадбири бўлиб ўтди. Ушбу машъала юртимиз шахар ва қишлоқлари бўйлаб олиб ўтилиб, Навоий шаҳрига етказилади.

Вилоятимиз вакиллари ҳам "Умид ниҳоллари - 2012" спорт мусобақаларида иштирок этиш учун жўнаб кетишди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**  
**Зиёвуддин ХОЛИҚОВ**  
олган суратлар.

## МАЪНАВИЯТ

# АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ

Биз ўз олдимизга очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини қўйганмиз. Уни бажариш учун Юртбошимиз "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарига ёзганидек, "... Давлатимиз келажакни ўз қобилига ўралаб қолган ҳолда эмас, балки

умумбашарий ва демократик қадр-қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кеңириш, ўзаро маърифатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз".

Бирок, XXI аср бошларига келиб, бутун жаҳонни қамраб олган глобаллашув жараёнида, ёвуз мақсадни кўзлаб, инсон қалби учун кураш кучайган, бунда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан тобора кенг фойдаланилаётган бир пайтда бу орзу-ниятга осонгина эришиб бўлмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Инсоният тарихий тарақ-

қиётининг ҳозирги босқичи ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлаштиришида улкан ижобий натижаларга олиб келган глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари бугунги кунда бизнинг жонажон ўзбекистонимизнинг мустақил ривожланиш йўлига хатарли таҳдидлар кўринишида тобора кучли намоён бўлаётганини кўриб қузатиб турибмиз. Унинг кенг қамровли ва ўткир

таъсири маънавий ҳаёти-мизда, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш йўлида дуч келаётган мураккабликларда, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда. Эзгулик ва ёвузлик, юксак маънавий-ахлоқий ҳаёт тарзи билан ҳаётбахш ва зарарли гоёлар ўртасида рўйи азалдан давом этиб келаётган кураш "эркин маданият" - ахлоқий ту-банлик, зўравонлик ва шахватпарастлик, босқин-

чилик ва бутун-бутун халқлар, мамлакатлар устидан ҳукмронлик қилиш орқали ўз иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга интилиш кўринишларида намоён бўлаётган.

Замонавий ахборот коммуникациялари ва тобора юқори даражада ривожланиб бораётган ахборот технологиялари бундай хуружларга кенг майдон очаётгани, зарарли мафкуравий таъсир ўтказиш қуролига айланиб, ёвуз сиёсий кучлар, турли "марказ"лар, диний-экстремистик оқимлар манфаатларига хизмат қилаётгани сир эмас.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

# ФЕРМЕРНИНГ ОРЗУСИ ИЖОБАТ БЎЛАЯПТИ

Юртбошимизнинг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Янгийўл туманида боғдорчиликка иxtисослашган фермер хўжаликларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Туманда етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларини сотиш, сақлаш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш шу куннинг муҳим вазифасига айланган. Бу йўлда фермер хўжаликларини бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

— 1996 йилда 20 гектар ер олиб иш бошлаган эдик, — дейди "Собир" фермер хўжалиги раҳбари Равшан Расулов. — Бугунга келиб еримиз 55 гектарга етди. Ёшлигимдан боғ яратиш орзум эди. Шу мақсадда 2007 йилда 10 гектарга гилос, 4 гектарга олхўри эдик. Бугун уларнинг олди ҳосилга кирди. Бундан ташқари 25 гектар майдонда галла парваришляяпмиз. Утган йили 50 центнердан зиёд ҳосил олиб, режани ортиги билан бажардик. Бу йил ҳам ҳосил чўғи баланд. Шу билан бирга 100 тоннадан ортиқ сабзавот етиштириш юзасидан шартнома имзолаганмиз. Дала-ларимиз фақат насос орқали сугорилиши боис, бу йилги об-ҳаво айни мuddа бўлаяпти.

Туман бу йилдан мева-сабзавотчиликка иxtисослаштирилди. 12 минг гектардан зиёд майдонда 319 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Маҳсулотнинг 133 минг тоннадан кўпроги тумандаги қайта ишлаш корхоналарига, қолгани ички истеъмолга ва Тошкент шаҳри аҳоли-сига етказиб берилади.

Туманнинг мева-сабза-



вотчиликка иxtисослаштирилиши боғ яратиш орзусидаги фермер хўжаликлари раҳбарларининг кўнгилдаги иш бўлди. Бу йил "Собир" фермер хўжалигида яна 15 гектарли янги боғ ташкил қилинди.

Юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш баробарида мева-сабзавотларни қайта ишловчи замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган илҳам корхона-лар барпо этиши, улар узлуксиз ишлаши учун

ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда. "Собир" фермер хўжалиги ҳам фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Фермернинг айтишича, келажакда ўзлари етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий илҳам корхона ташкил этилади. Бу хўжалик даромади-га даромад қўшиш билан бирга кўплаб қишлоқ ёшларини иши билан таъминлаш имконини беради.

**Камолитдин АСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** Равшан Расулов (чапдан иккинчи) хўжалик аъзолари билан.

**Собир ЗУФАРОВ** олган сурат.

## СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

# МАҚСАД — ЮКСАК ДАРАЖАГА ЭРИШИШ

"Пойтахт" бизнес-марказида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини тақомиллаштириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда республикадаги жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари вакиллари иштирок этди. Семинар-тренингдан кўзланган мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари имкониятларини кенгайтириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш, профессионал даражага эришган матбуот хизматлари иш услубларини ўрганиш, журналистик маҳорат кўникмаларини ўзлаштиришдан иборат.

**Равшан РУСТАМОВ.**

"Пойтахт" бизнес-марказида "Суд-ҳуқуқ тизими-ни ислох этишнинг долзарб вазифалари: хорижий ва миллий тажриба" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикасининг

# СОҲАДАГИ ТАЖРИБА ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон истиклолнинг дастлабки йиллари-дан демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаро-лик жамиятини қуриш йўлини танлади. Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини ошириш Президентимиз Ислам Каримов раҳна-молигида амалга ошириб келинаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респуб-ликаси миллий маркази директори Акмал Саид-дов, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё мамлакатларидаги ваколатхона-си раҳбари Пар Тешендорф ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Тадбирда мамлакатимизда миллий суд-ҳуқуқ тизими бир неча босқичда ислох қилингани қайд этилди. Масалан, қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган 1991-2000 йил-ларда суд-ҳуқуқ тизими фаолияти асослари кон-ституционал жиҳатдан мустаҳкамланди. 2001-2010 йилларда эса демократик янгилаш ва эркинлаш-тиришга доир ислохотлар амалга оширилди. Бу даврда умумий юрисдикция судлари иxtисослаш-тирилди, ишларни апелляция тартибидеа кўриб чиқиш жорий қилинди, жиноятларнинг таснифла-ниши ўзгартирилди, дастлабки тергов ва айблан-увчиликни ҳибсда ушлаб туриш мuddатлари қис-қартирилди, ўлим жазоси жиноят учун жазо тури сифатида бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-лик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишда янги босқични бошлаб берди.

Давра суҳбатидеа мамлакатимиз экспертлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вази-рлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институт-лари, олий ўқув юрлари вакилларининг маъру-залари тингланди ҳамда муҳокама этилди. Бу борадаги халқаро тажриба ўрганилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**  
**ЎЗА МУХБИРИ.**

ЎЗА.

МАЪНАВИЯТ

# АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ВА МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ

Шу боис давлатимиз раҳбари оғохлантирадики, "Бугунги замон мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таъйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, ammo мафкуравий таъйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илгаб етиш ниҳоятда қийин".

Айтиш жоизки, ўз мустақиллигини кўлга киритиб, маънавий-иқтисодий ҳаётини тубдан янгилашга киришган халқимиз, айниқса, ёшлар онгига зарарли мафкуравий таъсир кўрсатиши, бизни таллаб олган йўлимиздан чалғитиши, мамлакатимизнинг бой табиий ва меҳнат ресурсларини ўз мақсадларига хизмат қилдиришга интилиш бугунги кунга келиб кескин кучайди. Жаҳоннинг турли бурчларида, баъзи олис-ёқин мамлакатларда уя қуриб олган сиёсий кучлар, динни ниқоб қилган турли ахборот "марказ"лари, "Озондук" ва бошқа ниқоблардаги "овоз"лар телевидение, матбуот, интернет, ҳатто "кўл" телефонлари орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг моҳиятини бузиб қўради, одамлар онгини заҳарлашга, айниқса ёшларнинг ақл-идроқи оғирлашга, уларни ўз "ҳукм"ларини амалга оширувчи қўғирчоқларга айланатиришга уринмоқдалар. То-

бора кенгайиб бораётган жаҳон ахборот майдонидо мафкуравий ҳужумлар янги-янги воситалар орқали, янги-янги шакл-шамойилда намоён бўлмоқдаки, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдиндан илгаб олиш хийла мураккаб. Ахборот уруши, унинг мақсадлари, воситалари, шакллари мутлақо қўйилмаган кўринишларда намоён бўлаётган. Улар давлат ва жамият курашимизга, мустақил ташқи сийосатимизга, айрим давлат ва жамоат арбоблари фаолиятига қора бўёқлар чаплаб, одамларда кундалик ҳаётимиздан норозилик кайфиятини пайдо қилиш ва кучайтиришга, ички, ҳатто, миллатларо ва динларо зиддиятларни келтириб чиқаришга уринмоқдалар.

Бунинг учун ҳеч нимани аямасайт. Экспансив руҳдаги давлатлар, халқро нарқомафия бу ёвуз няятли кучларни ҳисобсиз маблағлар, энг янги ахборот тарқатиш воситалари билан таъминлаб, орқаворотдан қўллаб-қувватлашмоқда. Уз режаларини рўёбга чиқариш учун бузғунчи гоёли адабиётларни, бошқа матбаа маҳсулотларини миллион-миллион нусхаларда тарқатишмоқда, ҳар турли йўллари билан мамлакатимизга олиб киришга уринишмоқда. Маълумки, замонавий ахборот воситалари чегара билмайди. Айтиш мумкинки, бугун бузғунчи гоёли адабиётлар, лента ва дисклар-

ни, ҳатто, контрабанда йўли билан мамлакатимизга олиб киришга урин қолгани йўқ. Интернет, радио ва телевидение бу мақсадларни амалга оширишнинг энг кўлай ва қудратли воситаларига айланди.

Бундай янги ахборот хуружи жараёнида одамларни оғоҳ бўлишга, эшитилган ва кўрсатилган ҳар бир нарсадини мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилмасликка ундаш, тахлил қилиш ва қарши тура олиш даражасида мустақил фикрни инсонларни тарбиялаш тора долзарб тус олапти. Зеро, ўз мустақил дунёқарашига, соғлом мафкуравий тафаккурга эга бўлмаган киши хозирги маънавий-мафкуравий таҳдидларга, уларнинг гоҳ пинҳона, гоҳ ошқо тасйирига бардош бера олмаслиги аниқ. У ёки бу кўринишда намоён бўлаётган салбий ҳолатлар, одам савдоси, гийҳвандлик, миллатчилик, бошқа халқларнинг соғлом турмуш тарзи, диний эътиқоди, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига бепасандлик куришилари, ахлоқсизлик ва жиноятчилик фикримизнинг далили бўла олади. Яқин ўтмишдаги ҳодисалар, Наманган ва Анджонда, вилоятларимизнинг тоғли худудларида содир бўлган воқеалар, айрим ақидапара кучларнинг хатти-ҳаракатлари буни тасдиқлайди. Шу боис мафкуравий, маънавий-ахлоқий тарбияни бўшаширишга асло ҳаққимиз йўқ. Тора кучайиб бора-

ётган ахборот хуружларини ҳамиша сергаклик билан фох этиш, ёт қарашлар тарғиботиға қарши хушёр туриш – бурчимиз.

Бу шунчаки ўткинчи, "бир кунлик" иш эмас. Мамлакатимизнинг мустақил тараққиётига, фуқароларимиз онги ва идрокиға, айниқса, ёшлар дунёқарашиға салбий таъсир кўрсатишға ҳар қандай кўринишдаги уринишларға ҳар томонлама қучур ўйлаб, пухта режалаштирилган, илмий асосларда ташкил этилган ва узлуқсиз олиб борилаётган мафкуравий ва маънавий ахлоқий тарбияни қарши қўймоқ лозим.

Шуни унутмаслик кераки, бу муҳим ишда беларволлик, лоқайдлик ва ўзибуларчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, "Қаерда хушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, уша ерда маънавий қудратли кучға айланади." Фақат шундай шароитдагина "эркинлик ва демократиани олға силжитиш" ниқоби остидаги ҳар қандай уринишларни вақтида барбод қила оламиз, ҳеч қандай гаразли сийбат ёки таҳдид мамлакатимизни ўз мустақил тараққиёт йўлидан чалғита олмайди, жонажон ўзбекистонимизнинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги яқдил ва яқадам интилишларимиз, орзу-ниятларимизни рўёбға чиқара оламиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## КИТОВСЕВАР ЎҚУВЧИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ва Республика болалар кутубхонаси томонидан "Китовсеварлар - 2012" республика кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ёшларнинг ҳеч қандай кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан етуқ ва баркамол шахс этиб вояға етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замон талаби билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш, улар фаолиятиға илгор ахборот-коммуникация технологияларини тезкор жорий этиш, маърифат масканларининг захира фондларини муттасил бойитиш боришға алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Республика болалар кутубхонаси директори Дониёр Уроловнинг айтишича, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган "Китовсеварлар" республика кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад болаларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини тўри ва унумли ташкил этиш, маърифий билимини ошириш ва бойитишдан иборатдир. Танлов жараёнида юртимизнинг барча умумий ўрта таълим мактабларининг 20 минг нафардан ортиқ ўқувчиси фаол қатнашди.

Интеллектуал беллашувда болаларнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти, фаолияти, ижодиға оид билими билан бирга замонавий ахборот технологияларига доир саводхонлиги синондан ўтказилди. Танловда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 5-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Моҳинов Бекмуродова биринчи ўринға лойиқ топилди. Ҳоразм вилояти Хонқа туманидаги 38-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мавжуда Собирбоева иккинчи ўринға сазовор бўлди. Учинчи ўрин Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилсора Абдусаттороваға nasib этиди.

Назокат Усмонова, ЎЗА мухбири.



## ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМГА МАДАД

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Жаҳон андозлариға мос замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар энди ҳатто, чекка қишлоқлардаги врачлик пунктларини ҳам безаб турибди.

Хусусан, "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада қучурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Президент қарори асосида амалга оширилаётган ишлар натижасида тиббий хизмат тораба такомиллаштириб бораётганининг гувоҳимиз.

Яқинда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази янги замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар билан бойиди. Юртбошимизнинг грант маблағларидан унумли фойдаланиш тизимини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига кўра, Хитой Халқ Республикасидан бир қатор тиббий

асбоб-ускуналар, ИВЛ аппарати (респиратор) бермоға кислород беришда қўлланиладиган мослама (кислород концентратори), шприцли насос ва электр сўргич келтирилди. Тез тиббий ёрдамға қўлланиладиган бундай замонавий ускуналар билан бермоғларга малакали хизмат кўрсатишни шубҳасиз.

Сайёра ЭШМАТОВА.

СУРАТДА: вилоят кўптармоқли тиббий марказ бош шифокори Бахтиёр Қосимов (чапдан иккинчи) ҳамкасблари билан суний нафас олдириш аппаратини кўздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Янгийўл шаҳридаги "Мезон" маҳалласи фуқаролар йнғини раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси Фаридахон Жўрабекова билан сўҳбатимиз чўзилиб кетди. Унинг маҳаллада маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарбияға, вояға етмаганлар ёки зарари оқимлар таъсирини тушиб қолганлар содир этиши мумкин бўлган

ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, сайловчиларни қабул қилиш ёки шахар мадания-маиший ва иқтисодий ҳаётининг долзарб муаммоларини ҳал этишдаги иштироки, Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раёсатининг аъзоси, шахар партия кенгаши "Фаол аёллар" қаноти раиси сифатидаги фаолиятиға оид мулоҳазаларини тинглаб, бемхтиёр "Нечта жони бор бу аёлнинг?" деган фикр ҳаёлимиздан ўтди.

# МИНГ БИР ЖОН

энг муҳим тўрт йўналишни белгилаб, шулар бўйича режа ва ҳаракат дастурини тузиб олди. Дастлабки қадамларни қисқа фурсатда уни ижтимоий ҳаётнинг олдинги сағига олиб чиқди. "Маҳалла" жағмараси шахар кенгаши ва ҳожимлик у бошлаган ишларни оммалаштириб, бошқа маҳаллаларда жорий этди.

Тавсифномадан: "Хизмат ва зифасиға жиддий муносабатда бўлади. Баҳх ва мунозараларда вазмин. Ҳамкасблари ва аҳоли билан муомалада катмар".  
Орадан кўп ўтмай маҳалла оқсоқоли қутилмаганди.  
– Қизим, маҳалламиз фуқаролар йнғини раислигиға номзодиниғизни тавсия этдим, – деб қолди. – Ҳизмат

эниғизда бўламан, ёрдам бераман. Шу тариқа, 2003 йил 20 ноябрдан бошлаб Фаридахон маҳалла фуқаролар йнғиниға раҳбарлик қилмоқда. Маҳалла каттағина. 1051 хонадонда 14 миллатта мансуб 2700 дан зиёд аҳоли яшайди. Раисдан сўрасангиз, ҳар бир хонадоннинг таъриф-тавсифини эшитасиз.  
Сўҳбатимиз қизиқ турганида хонаға бир аёл кириб келди.  
– Бу киши кўнабошимиз Раҳима Пулатовна бўладилар, – таништирди Фаридахон. – "Обод кўча", "Намунали оила" ташкилотларимизни ташкил этишда Раҳимахон Абдуллаева, Абдусаттор ака Абдураҳмонов, Тоир Гелибоев, Мухаммаджон Абдураи-

мов синғари кўнабошиларимиз бошқос.  
Бундан ташқари, маҳалла йомушларини ҳал этишда "Полиграф-сервал" қишлоқ, маҳалланинғ узда бўш жойларни топиб, тадбиркорликка киришиш истағида юрганлар билан ҳусусий қорхона ёки микрофирма очиш ҳақида фикрлашди. Сўнги бир йилда маҳалланинғ узда 31 та янги иш ўрнини тўрта ҳусусий қорхона шу йўл билан ташкил этилди.

Тавсифномадан: "Одамлар билан тез тил топиша олади, муомалада самимий, арз ва шикоятларни диққат билан тинглаб, ёрдам беришға ҳаракат қилишди. Ўз соҳасини яхши билишни туғайли туман ва вилоят фаоллари давраларида обрў-эътибор қозонган".

Бактим шундаки, ҳар кун, ҳар сония одамлар орасидаман, – дейди Фаридахон Жўрабекова. – Улардан куч оламан, қувонч, хотиржамлик улашаман.  
Жўра Саъдуллаев, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



## «ТЕХСТИЛ MILL TASHKENT» ИШ БОШЛАДИ

Янги фабрика жаҳон андозларидаги пайпоқлар ишлаб чиқаради. Маҳсулот ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган.

Фабриканин биринчи босқичи ишга туширилиши муносабати билан 96 киши мўлим иш жойиға эга бўлди. Бу йил немиш ишбилармонлари билан бешта кўшма қорхонани ишга тушириш мўлжалланган.

Туман ҳқким-луғиғи билан чиққан дастурға мувофиқ бу йил туманда 80 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 5300 та янги ишчи ўринлари яратиш режалаштирилган.

Германиялик ишбилармон доктор Норбет тантанили маросимда сўзға чиқиб, Ўзбекистонда чет эллик сармождорларға яратилган кўлай инвестиция муҳити, маҳаллий ҳқкимият органларининг барча масалаларни ижобий ҳал этиб бергани натижасида қисқа муддатда ушбу кўшма қорхонани ишга тушириш имкониятиға эга бўлиганини мамнуний билан таъкидлади.

Келгусида ишлаб чиқариш янада кенгайтирилиб, бир йилда 3,5 миллион дона пайпоқ ишлаб чиқариш йўлға қўйилишини маълум қилди.

Толиб ҲАКИМОВ, Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

Янги фабрика жаҳон андозларидаги пайпоқлар ишлаб чиқаради. Маҳсулот ички ва ташқи бозор учун мўлжалланган.



## РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

## МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ

Жамиятади ичизил янгилинишлар, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари ички ишлар идоралари раҳбарлари кўрсатиши таъйирли. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириғи академикнинг малака ошириш факультети ва олий академик курслари, шунингдек, сержантлар тарбияни таъйирлаш бўйича олий курсларда кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

"Биз раҳбар одамнинг қандай фазилатларға, қандай хусусиятларға эга бўлиши ҳақида кўп гапиримиз. – деб таъкидлаган эди республика Президенти. – Бу масала барча мажлисларда, анжуманларда, турли фикр аламушларда асосий мавзу бўлиб, диққатимиз марказида тургани ҳам бежиз эмас. Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларға муносабати, уларни рози қилиш, гаҳхурили, меҳрибонлик кўрсатиш қобилиятиға қўлланади. Бу баландларвоз гап эмас. Раҳбар киши эли-юртининг дарду ташвиби билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва энгиллаштиришни ўйлаб яшаш, одамларни ҳимоя қилишға доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди деб билиши керак. Лекин ҳозирги пайтда олдимизда турган долзарб ва мураккаб масалаларни ечиш учун шундай одамларни топиш, уларға суняиш, таяниш, халқимизнинг ишончини оқлаш учун ҳал қилувиш лавозимларға қўйиш, тақдор айтишдан, гоғат оғир ва маъсулиятли вазифа бўлиб турибди".

Ички ишлар идоралари тизимининг асосий мақсади шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан, хусусан, жиноий тажовузалардан лозим даражада ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Шу сабабли жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, марказий ҳқкимият идораларининг қарорларини ҳаётға таъбиқ этиш вазифаларини муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан ички ишлар идоралари сифатида ишлаётган кишиларға, уларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, ижро интизомини, касб маҳорати ва таъйирларлиғиға боғлиқ.

Мамлакатимизда "бошқарув" атамаси жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилади. Хозирги кунда ички ишлар идораларида бошқарув – ижрочилик, ички ишлар идоралари ҳодимларини ҳизмат фаолияти самарасини ошириш, барча ташкилий тузилмалар, ички ишлар идораларини турли хизмат ва бўлимларнинг ютуқларға эришишлариға энг асосий омил ҳисобланади.

## МУЗЕЙЛАР ВА ЎЗГАРАЁТГАН ОЛАМ

Музейлар ва ўзгараётган олам

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи томонидан ташкил этилган анжуманда санъатшунослар, музейшунос олимлар, соҳа мутахассислари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хоржий дипломатик корпус вакиллари иштирок этиди.

Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Теурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Олимпия шон-шўҳрати музейи, "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи, Термиз Археология музейи каби маърифий муассасалар барпо этилди, қўллаб музейлар тубдан таъминланди, уларнинг фонди бебаҳо ашёлар билан бойитилмоқда.

Ички ишлар идораларида бошқарув – ижрочилик, ташкилий тузилмаларини самарали хизмат фаолияти учун ички шарт-шароитларни яратиш, уларни сақлаб туриш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш имкон берадиган ҳаракатлари таъминловчи тизимдир. Бошқаруving ижтимоий-рухий муносабатлари – бу бошқарув самарадорлигини юксалтириш мақсадида, ички ишлар идораларининг барча

Абдумавлон ИСОҚОВ, республика ИИВ академияси тингловчиси.

Музейларимиздаги ноёб коллекциялар, хусусан, фан-техника, тарих, археология, ранг-тасвир, графика, этнография, амалий санъат, ҳайкалтарошлик каби қўллаб йўналишларға оид осоратикчалар хоржиликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

назоратини қучайтириши натижасида сўнги йилларда "Навоий гулшани" маданият ва истироҳат боғида турта болалар аттракцион ўрнатилди. Самарқанд кўчаси тўлиқ асфальтланди, иссиқлик ва ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Депутатлик юмушлари ҳам оз эмас. Коллеж битирувчиларини ишға жой-

Бундқоқ йўлаб қарасам, бугунги кунда маҳалламизда соатсозлик устанонаси йўқ экан, – деди сўҳбатдошимиз. – Уста ҳам топилди. Шу кунларда одамлар учун қўлай бир жой изляпмиш. Ёнгиликча устахона ўрнатишға келишиб ҳам қўйдик. ХДП фаоли, маҳалла раисаси, депутат Фарида Жўрабекованинғ бошида минг бир ташвиш. У ҳар бир масалаға оқилона ечим излаб, мутахассис мутасаддилар, фаоллар билан маслаҳатлашди. Ҳар бир ишни амалдаги қонунларға мувофиқ бажаришға интилади.  
– Бахтим шундаки, ҳар кун, ҳар сония одамлар орасидаман, – дейди Фаридахон Жўрабекова. – Улардан куч оламан, қувонч, хотиржамлик улашаман.  
Жўра Саъдуллаев, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

БУГУННИНГ ГАПИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКА МЕЗОНЛАРИ

**Хуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири, шубҳасиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончи қилишдан иборат. Конституциямизнинг 14-моддасида белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади.**

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида“ги Қонуни қабул қилинди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати белгилаб берилди.

Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазиirlar Маҳкамасининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 41-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида", "Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тош-

кент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисида"ги низомлар тасдиқланди. Унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ҳамда уларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш, бошқа давлатлардан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатнома олиш, доимий ёки вақтинчалик пропискани расмийлаштириш тартиблари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, қарорда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши ва турган жойи бўйича ҳисобга олиниши, жамоат хавфсизлиги таъминлиши ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олди олинишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан прописканидан чиқармасдан беш кундан олти ойгача мuddатга амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида

ва Тошкент вилоятида турар-жой сотиб олиш, шунингдек, доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос бўлиб ҳисобланмайти.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган мuddатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайдилар.

Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш мuddатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга туриш учун фуқаро келган кундан бошлаб беш кун мuddатда ўзи вақтинча турган жойдаги ўзи милиция таянч пунктига Вазиrlar Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сонли қароридан назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак.

Ўз навбатида, милиция таянч пунктнинг профилактика инспекторлари ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда паспорт режими қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши тартибга солувчи мазкур қарор қабул қилиниши, фуқароларимизнинг ушбу ҳудудларда доимий ва вақтинчалик прописка қилинишига кенг қулайлик туғдирмоқда.

**Жасур СИРОЖЕВ,**  
Адлия вазирлигининг қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси.

2012 йил – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ



## БОҒДАГИ БЕЛЛАШУВ

**Янгибозор истироҳат боғида мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртилари ўқувчи ва талабалари ҳамда ёш оилалар ўртасидаги "Оила – менинг кутлуг боғим" мавзусида ишроо ёзиш, "Менинг оилам" мавзусида расмлар танлови, "Отам, онам ва мен" спорт ўйинларининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Тадбир аввалида "Мустаҳкам оила – жамият тараққиёти гарови, соғлом оила – соғлом зурриёт" шiori остида давра суҳбати ташкил этилди. Унда соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари қатнашди. Ҳадичабон Назматов ва иншо, Гўзал Ҳафизова расм чи-

зишда голиб деб топилди. Спорт мусобақаларида Зоидовлар оиласига тенг келадигани топилмади. Голиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.  
**Ёркебой БОТИМРОВ**  
олган сурат.

## ЭНГ АҲИЛ ОИЛАЛАР

Чирчикдаги "Умид" мактабгача таълим муассасасида каттаю кичикка кувонч, завқ-шавқ бағишлаган аҳойиб тадбир ўтқизирилди. Дунёда мурғай қалб учун ота-онасидан оқил, доно, чиройли инсон йўқдек. "Менинг онам ҳаммадан ҳам чиройли" дегуви болакайлар учун ота-она бағри ва меҳридан ортиқ неъматнинг ўзи йўқ. Оиласи билан биргаликда ўтадиган бахтли лаҳзалар бола руҳиятига беқийс рағбат бағишлайди.

"Энг мустаҳкам, энг аҳил оила" танловида иштирок этган оилалар, ота-она ва фарзандлар шу кунги ўзларини янги-дан кашф этишди гўё. Хар бир оиланинг турмуш тарзи ўзига хос: кимдир китоб ўқишни ёки қўшиқ куйлашни, спорт билан шуғулланишни, кимдир савҳатга чиқишни, яна кимдир томорқада ишлашни ёқтиради. Бундай машғуллотлар ота-оналарни фарзандлар билан янада яқинлаштирилади, меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланади. Айниқса, оталарнинг ошона ишларини оналарга ёрдам бериши, яхши кўрган овқатлари, айниқса паловхонтуврани дамлашлари болаларга шодлик, кувонч, фахр туйғуларини бағишлайди. Хар бир оилага: "Энг кувонч" (А. Бектиров), "Энг аҳил" (Ю. Косов), "Энг бахт" (А. Ҳамдамов), "Энг еш" (А. Шухра-

тов), "Энг ижодкор" (Вечеслав Ногай) сифатларининг берилиши ҳам бежиз эмас. Энг муҳими, бу оилалар аъзолари бир-бирини хурмат қилади, яхши кўради, ардоқлайди.

Лекин танловда кимдир голиб бўлиши керак. Ҳакамлар хайрати ўз чикишлари билан томошабинларнинг алоҳида оқишига сазовор бўлган "Энг мустаҳкам оила" – Ҳебоннинг ота-ониси Байрат ва Назирахон Бахтиёровларни биринчи ўринга муносиб деб топилди.

"Бола кулса, олам кулайди" дейишади. Қалби умидбахш туйғуларга эъ боланлар келажақда яна бир мустаҳкам оиланинг бошчиси, мустаҳкам ватаннинг ишончи, етакчи кучлари бўлиши шубҳасиз.

**Сайёра РАҲМОНОВА,**  
Даврон АҲМАД олган сурат.



## МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ ТАРИХИ

**Пискент тумани "Митан" маҳалласида "Оила – маҳалла – мактаб" ҳамкорлигида турли маънавий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Навбатдаги "Менинг маҳаллам тарихи" кўрик-танлови бўлди.**

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Маҳалла Ҳайрия Маърифат фонди туман бўлими "Қамолот" ЎИХ, Миллий тиклашни, Ҳалқ демократик партияси аъзолари тақлиф этилган танловда 8-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ва иқтидорини намойиш этишди. Улар маҳалла тарихи, машҳур кишилари ҳақида марок билан сузлашди. Мактабнинг "Ораста қизлар"и, "Спорт маҳаллалари" гимнастикачи қизларининг маҳорати, қатнашчиларнинг мустақил Ватан, ота-она, маҳалла мавзусида садоқат, меҳр-муҳаббат, хурмат-эҳтиром ру-

ҳидаги чиқишлари барчага маъқул бўлди. Айниқса, уларнинг маҳалладошлари ҳақидаги жонли ҳайкал композицияси томошабинларда катта таассурот қолдирди. Туманининг "Қамалак" болалар кўйирчоқ театри чикишлари ўқувчиларга ўзгача кайфият бахш этди.

Танлов голиблари ва иштирокчилар тадбир ташкилотчилари ҳамда маҳалла фуқаролари йигиринининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланшиди.

**Саида РАҲМОНОВА,**  
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

# ЛАЪНАТ ВА ҚАРҒИШГА ЛОЙИҚ КИМСАЛАР

**Ёшим саксондан ошди, ҳаётда жуда кўп яхши-ёмонни кўрдим. Дунё нима, дин нима, ҳар ҳолда фарқлай оламан. Яқинда ойнаи жаҳонда намойиш этилган "Вангадо" фильминг кўриб, жуда таъсирландим.**

Инсон деган шунчалик худбин, калтабин бўладими? Наҳотки, инсон ўзи тугилиб ўсган замин турпоғини шунчалар топташга, унга разиллик уруғларни сочишга ҳаракат қилса?

Менга энг таъсир қилган жиҳати шунки, Муҳаммадсолиҳ Абутов деган ўша нонқур ўз ота-онасини кофирга чиқариб ўтирса-я! Шу ўринда Байғамбар алайҳиссаломнинг бир хадисларини келтириб ўтишни жоиз деб бўлган. "Бир кунги саҳобаларидан бири ў кишига ортларидан хижрат қилишни дилига турганини, уйда ота-онасини айтади. Шунда Байғамбаримиз, "Ундай бўлса уйингга қайт, ота-онангни йилгатайб қўйиб, менинг ортимдан кетишининг кераги йўқ" деганлар.

Исом дини – яхшилик ва маърифатга ундовчи дин. У кимларгадир ўлим қуроли ёки заллат воситаси бўлиши учун ноилл этилмаган.

Ўша нодон банда ўзини дин пешвоси деб билар экан, нима учун юртида, тугилиб ўсган Ватанида маърифатни, яхшиликни тарғиб қилмайдилар? Нима учун ўзининг хуш маънавияти, ахлоқодоби билан бошқаларга ибрат бўлмайдилар?

Шундан ҳам билиш мумкинки, бундай разил кимсаларнинг мақсади фақат бойлик, мансаб ва ҳокимиятга эга бўлиш. Бундайларга ҳеч бир юртда, ҳеч бир жамиятда ўрин йўқ. Улар фақат лаънатга ва қарғишга лойиқ кимсалардир.

**Зуриддин МУҲИДДИНОВ,**  
пенсияер, Зангиота тумани.

**Телевидениеда намойиш этилган "Оғуфурушнинг сўнги манзили" кўрсатувини кузатиб, шундай хулосага келдимки, хар бир инсон ёмон одатлар қандай оқибатларга олиб келишини аввало ўзи аниглаб етиши ва бошқаларга ҳам тушунтира билиши лозим экан. Гиёҳвандлик давримизнинг шундай даҳшатли иллатларидан биридир.**

# ВИЖДОНСИЗДАН ИНСОФ ИСТАМАНГ

Шу бало туфайли жамият неғизи бўлган оилаларнинг пароканда бўлиб кетаётгани бу қанчалар хавфли иллат эканлигига аққол далилдир.

Тожикистондан гиёҳвандлик моддаларини юртимиз орқали олиб ўтишга уринаётган айрим кимсалар наҳотки, шундай оддий ҳақиқатни тушунмасалар? Бу балога гирифтавор бўлиб, ноилласи ва на жамиятга наф келтиролмайдиган ночор, мажруҳ кимсалар қисматини курганларинида наҳотки, виждонлари қилт этмасиз?

Кўрсатувда айтилганидек, беқободлик Отажон Муродов, Жўрабой Собиров, Толиб Аҳмедов каби нарсиз бандалари пурл топишининг разил усули – оғуфурушнинг касб қилиб олганларини инсофининг қай бир мезони билан ўлчаш мумкин? Наҳотки, ўзгаларни ажал сиртимоғига тортиш ортидан келадиган мўйам, аммо харом даромадни виждонлари қийналмай ҳазм қиларевас?

Айниқса, Юрботшош катта ишонч билдириб, булар менинг қанотим дея таърифлаган айрим фермерларнинг

бундай разил ишларга аралашгани кишида нафрат уйғотади. Беқободлик фермер Каромат Сулаймоновага нима етмас эди? Халол меҳнат қилиб, давлат ишониб топшириб қўйган хўжалик ерларини гуддек яшнатиб, унинг ортидан келадиган даромаддан умрини тўкин ва мазмунли ўтқазиб, наҳотки, ақлу фаросати етмади?

Кўрсатувда тилга олинган озарбайжонлик Самад Хусайнов эса Ўзбекистонда қонун-қоида йўқ, мамлакат бедарвоза деб ўйлаган қўринади. Бўлмас, юртимиздан огуларни олиб ўтишга уринармиди?!

Оғохликка даъват этувчи бундай кўрсатувлар яна ва яна намойиш этилиши керак деб ўйлаймиз. Токи одамлар хар бир қалтис ва ноқонуний ҳаракат жавобсиз қолмаслигини, оғуфурушлик эса одамларни, улар орқали жамиятнинг парокандаликка олиб боришини тушуниб етсинлар.

**Фарида КЕНЖАЕВА,**  
Чирчикдаги 14-меҳрибонлик уйи директори.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташини фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2012 йил 21 майдаги 27-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Янгиўл туманидаги "XAMKOR SERVIS" XФга тегишли:**

- "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автотомобилларда ташини" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 27 июнь кунин берилган "АТ" серияли 000089, "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташини" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 27 июнь кунин берилган "АТ" серияли 000090 ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташини" фаолиятини амалга ошириш учун 2008 йил 27 июнь кунин берилган "АТ" серияли 000091 рақамли лицензиялар фаолиятини 6 ойга тўхтатиш тўғрисида Тошкент вилояти Хўжалик судига даъво аризаси киритилиши тўғрисида маълум қилади.

**Ўрта Чирчик туманидаги "TO SHPO'LAT TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли:**

- "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида энгил автотомобилларда ташини" фаолиятини амалга ошириш учун 2010 йил 25 ноябрь кунин берилган "АТ" серияли 000322 ва "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташини" фаолиятини амалга ошириш учун 2010 йил 17 декабрь кунин берилган "АТ" серияли 000331 рақамли лицензиялар фаолияти 2012 йил 22 майдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

**Хурматли тадбиркорлар ва фермерлар!**

**"TASHKENT PROF INVEST" МЧЖ ризиторлик ташкилоти Сизларни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига тақлиф этади!**

Савдоларга Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ Дархон" СФУда жойлашган қуйидаги:

- "КИБРАЙ-РАҲМОНОВ БАҲОДИР" фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони 16,7 га ер участкасида жойлашган боғзордаги, бошланғич нархи – 10 500 000,0 (ўн миллион беш юз миң) сўм бўлган, диаметри 2-9 см. – 1150 туп гилос, диаметри 6-9 см. – 100 туп ўрик (абрикос), диаметри 2-6 см. – 150 туп беҳи, диаметри 2-9 см. – 1000 туп олма, диаметри 6-9 см. – 1000 туп шафтолидан иборат диаметри 6-9 см. мевали дарaxтлар қўйилди.

Савдоларга қатнашиш учун талабгорлар, "TASHKENT PROF INVEST" МЧЖ ризиторликлари ташкилоти билан ўрнатилган тартибда ризиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг ақцепт аризаларини топиришлари лозим. Савдо объектини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг ақцепт аризасидаги шартлар ушбу оммавий оферта шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо голибига савдо куниндан бошлаб йилгирма кун мuddат ичида Сотувчи билан олд-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўлаш шартлари оқлатилади.

Мевали дарaxтларни сотиб олган харидорларга, дарaxтлар жойлашган ер майдонига нисбатан узок мuddатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Қибрай тумани ҳокимиятига мурожаат қилишлари ҳамда ушбу ердан фақат боғзор сифатида умумий фойдаланишлари тавсия этилади.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб, савдо объектлари сотилгунга қадар, хар кун соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур суҳуҳчаси, 16-А уй, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 301-хонада ўтказилади. Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-20-13; факс: 233-23-40.

## ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазиrlar Маҳкамасининг 2012 йил 28 февралдаги 55-сонли қарорига асосан, 2012 йилнинг 5-6 июнь кунлари вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ўтказилади.**

Ярмаркада вилоятдаги саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхона ва кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашишга тақлиф этилади.

Шунингдек, корхона, тадбиркор ва савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш учун Сизларни ҳудудий саноат ярмаркасига тақлиф этамиз.

Маълумот учун телефонлар: 233-66-11, 236-29-10.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани (собиқ С. Раҳимов) ҳокимияти ТСРҮИ томонидан 2007 йил 18 майдаги № 000075-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "HURLAR" хусусий корхонасининг устав фонди 8 123 095 сўмдан 1 771 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ТСРҮИ томонидан 2009 йил 25 ноябрь № 194/1285 рақам билан рўйхатдан ўтган Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Олимқент кўрғони, К. Мавлонов кўчаси, 2-ўйда жойлашган "REYS SERVIS PRYU" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 205856627) ихтиёрий равишда тугатилмоқда (30.04.2012 йилдаги 1-сонли Қарор).

Даъво ва мурожаатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида (+99899) 126-19-36 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Олмазор тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатдан ўтган "HURLAR" хусусий корхонасига тегишли бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьянний шаходатнома VZI № 319255, выданный в 1996 году школой № 134 Алмазарского района г. Ташкента (о 9-классном образовании) на имя Алимбоева Еркина Акбаржоновича. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Чиноз туманидаги 40-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1997 йилда Абдуллаева Навола Абдуманоловна номига берилган О-Р-Г № 009974 рақамли 11-синфин тугатганлиги тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьянний кадастровый документ на ООО "ОРОМГОХ-САВДО", расположен по адресу: г. Ташкент, Яксарайский район, ул. Бритислава, д. 2-Б, выданный ГЛАВАЛУ, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьянний шаходатнома (о 9-летнем образовании) № 361311, выданный в 1996 году школой № 29 Зангиотурского района Ташкентской области на имя Ибрагимови Дилдора Халиуллоевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Учела тумани ТСРҮИ томонидан 11.03.2011 йилда 004295-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "АТТОР JAMOLXON" (ИНН 301892433) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 85931616 сўмдан 81072025 сўмга камайишини маълум қилади.

ООО "DERWENTA NEXT", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусабад 11-квартал, д. 41, кв. 37 (ИНН 300625463, ОКПО 22101776) ЛИКВИДИРУЕТСЯ (Решение учредителей № 01 от 22.05.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления.

ООО "INTEGRA TRADE" (ИНН 206942187), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Юнусабадского района г. Ташкента за реестровым № 003420-10 от 25.12.2007 г. сообщают об уменьшении уставного фонда с 665 793 603,64 сум до 3 000 000 сум.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан 2011 йил 22 июлда 001047-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "SARVAT-OTA" МЧЖ (ИНН 200816648) жамият таъсисчисининг 2012 йил 30 апрелдаги 9-сонли йилгилик баённомасига асосан тугатилди.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 331-14-75 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"IMPRO-EXPO AGRO GROUP" масъулияти чекланган жамиятининг (СТПР 302012473, ХХТҮ 81100) устав фондин 1 544 363 447,75 (бир миллиард беш юз кўрч тўрт миллион юз юз олмиш ич миң тўрт юз кўрч етти) сўмдан 1 341 501 832,00 (бир миллиард ич юз кўрч бир миллион беш юз бир миң саккиз юз ўттиз икки) сўмга камайишвини маълум қилади. Тел.: (+99897) 437-47-17.

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан 2010 йил 18 майда 000886-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "LEO ANDREY SERVIS" МЧЖ (СТПР 301613920) жамият таъсисчисининг "OLYMPUSCHQ ORIGINAL SERVICE" МЧЖ (ИНН 301518895) устав фонди 500 491 000 сўмдан 3 491 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

Мирзо Улуғбек тумани ТСРҮИ томонидан 07.05.2004 йилдаги 000443-04-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган (ИНН 202751594) "ANDROMED SERVICE" масъулияти чекланган жамияти, Хамаза тумани ҳокимияти ТСРҮИнинг 23.09.2011 йилдаги 003630-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 205690337) "ANDROMED-NIGECY" масъулияти чекланган жамияти тарихига тўлиқ бирашишини маълум қилади. Тел.: 435

